



XX асрнинг йирик сиёсий арбобларидан бири, ўзбек миллий давлатчилиги учун катъий кураш олиб борган Файзулла Хўжаев (1896-1938 йй.) ўта мураккаб ва чигал хаёт сўқмокларидан ўтишга мажбур бўлган тарихий шахс эди. Ф.Хўжаев ва унинг маслакдошлари хақида бири иккинчисини рад этувчи карама-карши фикр-мулоҳазалар билдирилиши ҳам шундан бўлса керак.

XX аср 20-30-йиллар тарихи Ватанимизда ҳам, хорижда яратилган Туркистон ўтмиши билан боглик тадқиқотларда ҳам кескин мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Ф.Хўжаев аъзо бўлган жадидлар ташкилоти гарчи 1916 йилдан бошлаб сиёсий курашлар майдонига кирган бўлсада, ушбу шахснинг бевосита ҳукумат раҳбари, давлат арбоби сифатидаги амалий фаолияти 1920 йил кузидан, Бухорода Амир Олимхон тахти ағдарилиб, Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) ҳокимияти ўрнатилиши билан бошланади.

1920 йил кузидаги сиёсий жараёнлар мамлакатда мавжуд бўлган монархия тартиби ўрнига республика бошқаруви вужудга келтириш орқали намоён бўлди. Мангитлар сулоласининг сўнгги ҳукмдори Саид Олимхон Шаркий Бухоро (ҳозирги Тожикистон Республикаси) ҳудудидаги омонсиз, нотенг жангларда большевиклардан енгилиб, 1921 йилнинг баҳорида кўшни Афғонистонга мухожирликка кетди. Бу даврда Бухоро Республикаси ҳукумати Ф.Хўжаев раҳбарлигида иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий соҳаларда ислохотлар бошлаб юборганди.

Афғонистон ва Шаркий Туркистон (ХХР) ўзбек мухожирлари тўпланган асосий марказлар бўлишган. Амирга ҳамда унинг аъёнлари ва амалдорлари билан бирга эргашиб турли тоифадаги 200-250 минг сонли кишилар Шимолий Афғонистонга ўтишди. Бу ҳақда тадқиқотчи Абдуллаев: «Шаркий Бухородаги кўпгина кишлоқлар ва аҳоли марказлари хувиллаб қолганлиги, уларнинг ўрнида тўқайзор ва қамишзорлар вужудга келганлигини ёзади».

РСФСР ҳукуматининг зўравонликдан иборат сиёсати, «марказ» тазйиқи туфайли Бухоро Республикасининг мустақиллиги факат сўздагина мавжуд бўлиб қолганди. БХСР ҳукумати таркибида фаолият олиб борган Ф.Хўжаевнинг сафдошлари истиклолчилар (босмачилар) томонига ўтиб кетаётган ёки хорижий мамлакатлардан сиёсий бошпана излаётган эдилар. БХСРнинг молия нозирини, Марказий ижроия қўмита раиси лавозимларида ишлаган Усмонхўжа Пўлатхўжаев (1878-1968 йй.) Бухоро Республикасининг Афғонистондаги элчиси Хошим Шайх Ёкубов қабилар мухожирликни афзал кўрдилар. Абдулхамид Орипов (БХСР миллий армияси қўмондони) эса муҳолифатдаги қучлар томонига ўтиб кетди.

Бир томондан БХСР замонавий мутахассисларга эга бўлиш учун Германия ва Туркияга ўзининг ўқувчиларини юборган, улар ҳам мухожирликда яшашарди.

Юкоридаги фикрларнинг тахлилига чуқур мулохаза билан ёндашсак, XX асрнинг 20-йилларида мухожирларнинг уч гуруҳи вужудга келган эди.

1. Абсалют монархия тузуми тарафдори бўлган, амир Сайид Олимхон ва унга эргашган мухожирлар.

2. БХСР ҳукумати таркибида ишлаган, кейинчалик совет мустамлакачилик ва зўравонлик сиёсатидан норози бўлиб хорижга чикиб кетган Ф.Хўжаевнинг маслакдошлари.

3. Ф.Хўжаев А.Фитрат, А.Бурхонов, Кори Йўлдош Пўлатов каби ҳукумат раҳбарлари томонидан республика истикболини ўйлаб хорижий мамлакатларга ўқиш учун юборилганлар.

Ф.Хўжаевга ҳукумат раҳбари сифатида 1920-1924 йилларда канчалик кийин бўлганлиги ва мураккаб шарт-шароитларда ишлашга тўғри келганлигини тасаввур қилиш кийин эмас. Бир томондан мамлакат ичкарисидаги адоги йўқ муаммолар, иккинчи томондан босмачилик (истиклолчилик) билан кураш олиб бориш, учинчи томондан «марказ»нинг ҳар қандай хийла ва найрангларига қарамай, тўла миллий мустақилликка эришиш учун курашни давом эттириш, тўртинчидан эса мухожирликдаги миллатдошлари ҳақида қайгуриш, уларни ўз юртига қайтариш ёки имкон қадар ҳаётларини сақлаб қолиш масъулияти қабилар ёш нозирнинг зиммасида эди.

Афғонистонда амир Омонуллохон (1892-1960; 1919-1929 йй) бошқараётган «ёш афғонийлар» ҳукумати ҳам ўша мураккаб тарихий даврда оғир аҳволда қолганди. Чунки Афғонистондаги мухожирлар таркиби хилма-хил бўлиб, ушбу мамлакатдан амирлик тарафдорлари ҳам, бу тузумга қарши бўлган БХСР ҳукуматининг айрим аъзолари ҳам, тушуниб-тушунмай Амударё ўнг қирғоғига ўтган минг-минглаб оддий дехкон, чорикор, чорвадор, савдогарлар ҳам паноҳ топишганди.

Ф.Хўжаев Афғонистонга ўтиб кетган, аслида Бухоро фуқаролари (тобеълари) ҳисобланган ўзбек, тожик, туркман халқи вакилларида иборат чорвадор ва дехконларни ўз мамлакатларига қайтариш учун кўп қуч-қудрат сарфлади. Бир пайтнинг ўзида ҳам ҳукумат раҳбари, ҳам ташқи ишлар нозири бўлган Ф.Хўжаев Афғонистон ташқи ишлар нозири Маҳмудбек Тарзига (1868-1943 йй.) бир неча бор ушбу масалада ноталар билан муносабат қилган. Мавжуд материаллар билан танишар эканмиз, Афғонистон ҳукумати аъзолари ва маҳаллий беклар Бухоро фуқароларидан давлат солиғи талаб қилаётганлиги, уларнинг чорва молларини тортиб олаётганлари, Амударёдан Бухоро Республикасига ўтиш учун рухсат бермаётганлиги билан боғлиқ маълумотларга эга бўламиз. Ф.Хўжаев Афғонистон марказий раҳбариятидан ушбу масалага эътиборни қаратиш, Бухоро фуқароларининг дахлсизлигини таъминлаш, уларнинг инсоний ҳуқуқларини ҳимоя қилишни талаб қилган. Хужжатлардан бирида: «1920 йилда Афғонистон томонга Чоржўй ва Қаркидан 25 минг оила туркманлар, 2 миллионга яқин чорва моллари билан ўтиб кетган эдилар. Улар Бухоро тобеълари бўлиб, ўз юртларига қайтишни истайдилар... Туркманлардан 3 минг оила яқинда ўз юртларига қайтиб келганлиги» қабилар қайд қилинади. Ватанига қайтган собиқ мухожирлар учун уй-жой, моддий шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор берилган. «Ф.Хўжаев ҳукумати Туркия, Афғонистон, Эрон сингари мамлакатлардан юртига қайтган саводли мухожирларни муаллимлик қилишга ва турли маърифий-маданий ишларга жалб этган». Хабарларлардан бирида: «Ҳукумат тарафидан бир вақтлар Афғонистонга чикиб кетиб,

хозирда Бухоро Жумхуриятига кайтмокда бўлгон Бухоро халкига 10 минг пуд бугдой, 120 кўш хўкиз берилди » деб ёзилади.

Бухоро амири ўз давлати пойтахтини ташлаб чикканида, унинг ортида оила аъзолари, кавм-кариндошлари қолиб кетган эди. Отахон адиб Садриддин Айний (1878-1954 йй) мақолаларидан бирида Ф.Хўжаев ҳукумати амирнинг оиласига инсонпарварларча муносабатда бўлганлигини ёзади. Амир Бухоро жадидларини (жумладан, Ф.Хўжаевни) 1918 йил мартдаги Колесов воқеасидан кейин асирга олса, муқаррар уларни мислсиз қийноқ ва азобларга тўла ўлим қутарди. БХСР ҳукумати эса бу масалада эҳтиёткорлик билан иш тутди.

БХСР ижрокўми бюросида 1923 йилнинг 15 майида амир оиласи билан боғлиқ масала муҳокама қилинади. Бу масалани ҳал қилиш учун Ф.Хўжаев, Қори Йўлдош Пўлатов, Аббос Алиев, Абдурауф Фитратдан иборат махсус комиссия тузилади. Комиссия қарори билан амирнинг 120 га яқин авлодларидан 51 киши (С. Айний маълумотича, 52 киши) юборилди. 64 киши эса (жумладан ўқ ўғли Султонмурод, Шохмурод, Раҳим) Бухорода қолдирилди. Нима бўлганда ҳам ўша тарихий шароитда бундай қарорга қелиниши БХСР раҳбари томонидан, айтиш мумкинки, ижобий қарашга аризуликдир.

Н.Наимов ва А.Эгамназаровларнинг ёзишича, ўзга юртда моддий жихатдан қийналмасин деб Ф.Хўжаев шахсан амирга 19 та бриллиант қўзғи узук совға қилиб юборган. Амир бу воқеадан сўнг унга қилган ёмонликларига афсусланган.

Маълумки, Бухоро амирининг фарзандларини ўз олдига қайтариш учун совет ҳукуматига қилган мурожаатлари ва Москвадаги афғон элчиси билан учрашувлари самарасиз бўлган. Бу муаммони ҳал қилиш учун аралашуш ёки таъсир ўтказишга Ф.Хўжаев қодир эмасди.

Ф.Хўжаев ўз ҳукумати таркибида «босмачилар»ни қўллаётган қишлоқ борлиги, уларнинг озодлик учун қураш олиб бораётганлигидан хабардор бўлган. У мумкин қадар мухожирликда яшаётган, Бухоро Халқ Республикаси мустақиллиги йўлида қурашаётганлар билан алоқа қилишга уринган. 1921 йил 8 ноябрда бошқирд миллати вакили, Туркистон озодлик ҳаракатларида муҳим роль ўйнаган Аҳмад Заки Валидий Тўгон (1890-1970 йй) билан ўзаро мулоқотда: «Ориповни (А.Орипов) ҳарбий нозирликдан бўшатишни руслар қўпдан бери талаб қилади, буни билиб қўй, бундан буён сен билан қўриша олмасмиз. Раҳм йўқ, муносабат шафқатсиз бўлади Шундай бўлсада Султонов ўз ўрнида қолади, у билан алоқа қилиш йўли очик бўлади»-дейди. Амирнинг ёзғи қароргоҳи Моҳи Хосада З.В.Тўгон билан учрашиб, уни бўлажак хавф-хатардан огоҳлантирган Ф.Хўжаев ушбу шахс ва унинг ёрдамчисига собиқ амир отхонасидан иккита ўқур отлардан совға қилади. Ушбу отлар билан Тўгон ва унинг шериклари Афғонистонга соғ-омон ўтиб олишга муваффақ бўладилар. 1923 йил июнь ойида Москвада миллий республика ва вилоят раҳбарлари иштирокида РКП(б) МКнинг махфий 4-мажлиси бўлади. Ф.Хўжаев Бухоро Республикаси номидан сўзлаётган пайтда И.В.Сталин унга Валидов қаерда? Деб савол беради. Ф.Хўжаев: «Валидов Ўрта Осиёнинг у еридан бу ерига қопиб юрибди, Бухорода, Тошкентда, Хоразмда. У босмачиларнинг раҳбарларидан бири»,-деб жавоб беради. Аслида 1923 йил 10 мартдаёқ Валидий хорижга чиқиб кетган, унинг қаердалигини республика раҳбари яхши биларди.

Бухоро Республикасининг ҳақиқий маънодаги мустақиллигини таъминлаш, миллий армияни шакллантириш, европалик ҳарбий қисмларни республика ҳудудидан чиқариб юбориш, вақф мулкларини қайтариш, ҳар қандай воситачиларсиз хорижий алоқаларга

киришиш, Ҳавкулотда ҳарбий трибунални бекор қилиш, миллий урф-одат ва анъаналар асосида қонунчиликни жорий қилиш каби мақсадлар Ф.Хўжаев ҳукумати олдида турарди. Ушбу орзу-истаклар амалга ошириш йўлида Файзулла Хўжаев бошчилигида 1920 йилдаёқ «Миллий иттиҳод» фиркаси ташкил этилганди. 1921 йил августида Бухорода яна бир ташкилот-Валидий бошчилигидаги Туркистон Миллий Бирлиги (ТМБ) ташкилоти тuzилганди. ТМБ Туркистон минтақасидаги барча истиқлолчи гуруҳларга сиёсий жиҳатдан раҳбарлик қилувчи марказ вазифасини бажарарди. Ф.Хўжаев бу ташкилотга нафакат хайрхоҳ, балки уни қўллаб-қувватларди.

Ф.Хўжаевнинг амакиси Усмонхўжа Пўлатхўжаев 1922 йил сентябрда Афғонистон билан ҳарбий битим тузиш, Бухоро миллий армиясини шакллантириш учун инглизлардан олтин баробарида Бухоро қўшинига қурол-яроғ сотиб олиш учун хорижга кетади. Лекин инглизлар унга ваъда беришдан нарига ўтишмайди. У мақсади ҳосил бўлмагач, Ф.Хўжаевга: «Ватанга қайтсам бўладими?»-деган мазмунда мактуб йўллайди.

Ф.Хўжаев Усмонхўжага: «Вазият ёмон, қайтиб ўтирманг!» мазмуниндаги яширин жавоб мактубини ёзган. Совет махфий идораси (ГПУ) У.Пўлатхўжаевни қамолга олишга, охири-оқибатда эса йўқотиб юборишга тайёрланаётганлиги ҳукумат раҳбарига аён бўлиб, шундай қарорга келганди. Мухожиратда яшаган Усмонхўжа Туркия

Республикасида туриб Ф.Хўжаев билан алоқада бўлган. Бухоро Республикаси Марказий Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Муинжон Аминов бир оз Афғонистонда яшаган ва Усмонхўжа билан Ф.Хўжаев ўртасидаги мактуб ёзишмалари алоқасини амалга оширган. Кейинчалик эса Москвада таҳсил олаётган талаба Мисбах Бурхонов бу ердаги Туркия элчихонаси орқали Туркиядаги ўзбек мухожирлари ва Усмонхўжа билан бўлган алоқаларда воситачилик қилган. Республика ҳукумати аъзоларидан Ато Хўжа, Ҳамро Хўжа қабилар ҳам Усмонхўжа билан мактубий алоқаларда бўлишган. Муҳаммар Бурхонов 1924-1925 йилларда Файзулла Хўжаевдан чет элларда шахсий дахлсизлигини таъминловчи махсус ҳужжат олган эди. У Туркиянинг Истамбул, Бурса, Костомира каби шаҳарларида таҳсил олган. Бу мамлакатда озодлик қурашчилари Усмонхўжа ва Носир Ҳақимовлар билан учрашган.

Айтиш мумкинки, Ф.Хўжаев хориждаги мустақиллигимиз учун қурашган мухожир миллатдошларимиз билан доимо алоқада бўлган.

Ф.Хўжаев раҳнамолигида хорижий мамлакатларга ўқиш учун юборилган ўқувчи ва талабаларнинг барчаси ҳам она юртига қайтмади. Ф.Хўжаев уларнинг ўқиши учун маблағни аямади, талабалар ахволидан шахсан ўзи хабар олиб турди.

У 1922 йилнинг кузида: «Мен Германияга асосан даволаниш ва талабалар ахволидан хабар олиш учун келдим»-деб ёзганди. Совет ҳукумати 1922 йилдаёқ Германияга ўқиш учун юборилган бухоролик ёшларни Москвага қайтаришга уринган.

Ф.Хўжаев иқтидорли ёшларни Ватанга қайтиб «немис айғокчиси», «соткин», «Ватан хоини», «империализм малайи» каби асоссиз тамгалар билан қораланиб, бадном қилинишини истамаган. 1938 йил 28 январда бўлиб ўтган Муинжон Аминовнинг терговдаги қўрсатмасидан: «1922 йил Қуйбишев (Валериан Қуйбишев) мен ва Файзулла Хўжаевдан уларни (талабаларни) қайтарилишини, Москвага ўқитишни талаб қилди. Хўжаев қатъий рад жавобини берди. Сўнг Умар Фаҳриев деган кишини хат билан Германияга жўнатди. Ва у ерда таълим олаётган бухоролик талабаларга: «Совет ерига қайтмай туришлар»-деб топширик берди» каби фикрларни ўқиймиз. Хатто Туркияга ҳам виза (чақирув қогози) ололмаган қўпгина талабалар 1925-1930 йилларда она юртлари Ўзбекистонга қайтишга мажбур бўлишди. Ватанга қайтганлардан Муҳаммад Хўжаев,

Маткул Султонов, Абдувахоб Муродий кабиларни хизматда кўтарилишида шахсан Ф. Хўжаев хомийлик килган . Хорижда қолиб ўқишини давом эттирган, кейинчалик Туркияда кўним топган 14-16 нафар собик талабаларга Ф.Хўжаев М.Бурхонов оркали моддий ёрдам кўрсатиб турган. У Германиядаги Олимжон Идрисий, миллионер Амин Сулаймон, савдогар Эйдельманлар билан алоқада бўлиб, туркистонлик талабаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб туришни ушбу шахслардан сўраган. Ф.Киличевнинг ёзишича, Ф.Хўжаев хорижда яшовчи М.Чўкаевни (1890-1941йй) моддий жихатдан таъминлаш учун турли йўллар билан унинг номига тилла ва пул юбориб турган. Ўша даврда М.Чўкаевнинг моддий ахволи огир бўлиб, рус мухожирларининг газеталарига ёзган маколаларидан келадиган калам хаки (гонорар) ҳисобидан яшаганлигини ҳисобга олсак, ушбу маълумот ҳақиқатдан йироқ эмас деган ҳулосага келсак бўлади. Маълумки, мухожир ўзбеклар 1920-йилларда хорижда ўзларининг миллий мажмуа ва газеталарига асос солишган. 1926 йилда Усмонхўжа Пўлатхўжаев Туркияда юртимизнинг иқтисодий, сиёсий, маданий, тарихий масалаларини ёритувчи «Янги Туркистон» мажмуасини чоп эттирган. Мустафо Чўкай 1929 йилда Парижда «Ёш Туркистон» (1929-1939 йилларда чоп этилган) мажмуасини чиқарган. Файзулла Хўжаев тарихий ҳақиқатни ёритувчи ушбу матбуот органлари чоп этилаётганлигидан хабардоргина бўлиб қолмай, балки уларнинг мутассил чиқиб туришида маънавий ва моддий раҳнамо бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

Хуллас, Файзулла Хўжаев хорижда яшашга маҳкум этилган, юрагида Ватан меҳри ва ҳасратини умр бўйи сақлаган миллатдошларимизнинг истак ва интилишларини чуқур англай олган, озодлик ва мустақиллик учун курашга умрини бахшида этган инсон эди.

Шодмон Хайитов-НамДУ, «Ватан тарихи» кафедраси докторанти, т.ф.н., доцент.